


ИНТЕРНАУКА
internauka.org

СБОРНИК СТАТЕЙ ПО МАТЕРИАЛАМ
XXXVI МЕЖДУНАРОДНОЙ
НАУЧНО- ПРАКТИЧЕСКОЙ КОНФЕРЕНЦИИ

КУЛЬТУРОЛОГИЯ, ИСКУССТВОВЕДЕНИЕ И ФИЛОЛОГИЯ: СОВРЕМЕННЫЕ ВЗГЛЯДЫ И НАУЧНЫЕ ИССЛЕДОВАНИЯ



№5(32)

ISSN 2541-9870

Москва, 2020

ИНТЕРНАУКА
internauka.org

**КУЛЬТУРОЛОГИЯ,
ИСКУССТВОВЕДЕНИЕ
И ФИЛОЛОГИЯ: СОВРЕМЕННЫЕ
ВЗГЛЯДЫ И НАУЧНЫЕ
ИССЛЕДОВАНИЯ**

*Сборник статей по материалам XXXVI международной
научно-практической конференции*

№ 5 (32)
Май 2020 г.

Издается с июля 2017 года

Москва
2020

ИНТЕРНАУКА
internauka.org

**CULTUROLOGY, ART HISTORY
AND PHILOLOGY: MODERN VIEWS
AND SCIENTIFIC INVESTIGATIONS**

Proceedings of XXXVI international scientific-practical conference

№ 5 (32)
May 2020

Published since July 2017

Moscow
2020

УДК 008+7.0+8
ББК 71+80+85
К90

К90 **Культурология, искусствоведение и филология: современные взгляды и научные исследования.** сб. ст. по материалам XXXVI междунар. науч.-практ. конф. – № 5 (32). – М., Изд. «Интернаука», 2020. – 158 с.

Оглавление

Доклады конференции на русском языке	9
Искусствоведение	9
Секция 1. Изобразительное и декоративно-прикладное искусство и архитектура	9
КОВРЫ И ГОБЕЛЕНЫ БИБАЖАР СИМОВОЙ Акпанова Альбина Тургунбаевна	9
ИЛЛЮСТРАЦИИ ЛИТЕРАТУРНЫХ ПРОИЗВЕДЕНИЙ И ИХ ОСОБЕННОСТИ В ДЕТСКОМ ТВОРЧЕСТВЕ Ременникова Юлия Сергеевна Заярнюк Александр Николаевич Кашапова Айгуль Халиловна	13
ИСТОКИ ДЕКОРАТИВНО-ПРИКЛАДНОГО ИСКУССТВА ТЮРКО-ТАТАР-ОРДЫНЦЕВ В ИСТОРИИ КУЛЬТУРНОГО РАЗВИТИЯ КРЫМА Франжуло Валерия Андреевна	18
ДРЕВНИЕ ПАМЯТНИКИ МИРЗАЧУЛЯ Шоисоев Изатулло Кенжаевич	27
Секция 2. Театральное искусство	33
СЦЕНИЧЕСКОЕ ВОПЛОЩЕНИЕ ПРОИЗВЕДЕНИЙ МИРОВОЙ ЛИТЕРАТУРЫ В ТЕАТРАХ УЗБЕКИСТАНА Шохрух Абдурасулов Абдунаимович	33
Секция 3. Теория и история искусства	39
ОБРАЗЫ СВЯТЫХ НЕРАЗДЕЛЕННОЙ ЦЕРКВИ. СОВРЕМЕННАЯ ОТЕЧЕСТВЕННАЯ ИКОНОПИСЬ В ПОИСКАХ НОВАТОРСКИХ ХУДОЖЕСТВЕННЫХ РЕШЕНИЙ Лаврешкина Наталья Юрьевна	39
К ПРОБЛЕМЕ ХУДОЖЕСТВЕННОГО ОБРАЗА ГОРОДА В ИСТОРИОГРАФИИ ИССЛЕДОВАНИЙ Стекленева Виктория Евгеньевна	44

О'zbek tilidagi konferentsiya ma'ruzalari	143
Hujjatli axborot	143
Bo'lim 1. Hujjatli axborot	143
МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИНГ ЗАМОНАВИЙ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ СИЁСАТИДА ТУТГАН ЎРНИ Равшанов Алишер Сайдуллаевич	143
ИСОМИДДИН АҲМАД ТОШКЎПРИЗОДА Эргашев Уролбек Беркинович	148
Filologiya	153
Bo'lim 2. Adabiyotshunoslik	153
ЭРКИН ВОҲИДОВНИНГ «ВАТАН» ВА АБДУЛЛА ОРИПОВНИНГ «КИНДИК ҚОНИ ТЎКИЛГАН ЖОЙ» ШЕЪРЛАРИ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ Замира Балтаева Шаназаровна	153

O'ZBEK TILIDAGI KONFERENSIYA MA'RUZALARI

HUJJATLI AXBOROT

BO'LIM 1.

HUJJATLI AXBOROT

МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИНГ ЗАМОНАВИЙ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ СИЁСАТИДА ТУТГАН ЎРНИ

Равшанов Алишер Сайдуллаевич

*Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини
механизациялаш муҳандислари институти
“Гуманитар фанлар” кафедраси катта ўқитувчиси,
Ўзбекистон, Тошкент*

Демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини қуриш даврида ўтиш жараёнини оқилона ташкил қилишда инсон манфаати асосий ўринда туради. Ўтиш даврида амалга ошириладиган асосий вазифалар миллий ва умуминсоний қадриятларни юзага чиқариш, уни жамият ҳаётида барқарор қилиш мақсадларини ҳам назарда тутати.

Меҳмондўстлик, болажонлик, яқин қўни-қўшничилик, катталарни ҳурмат, кичикларни иззат қилиш, қариндош-уруғлар, дўстлар билан яқин алоқада бўлиш, саҳийлик, ҳалол билан ҳаромни фарқлаш Ўзбек халқига хос бўлган маънавий фазилатлардир. Маълумки, ер юзида мавжуд ҳар бир миллат ўз миллий қадриятларига эга. Унинг ҳар бир имкониятларидан оқилона фойдаланиш фуқаролик жамиятини барпо этишда муҳим ўринга эга бўлган замонавий кадрлар тайёрлаш сиёсатида ижобий натижаларни юзага чиқаради. Бугунги кундаги глобаллашув жараёнида миллий қадриятларнинг муҳим хусусияти ҳам шудир.

Мустақилликдан кейин миллий қадриятларнинг замонавий ўзбек мутахассисларини тайёрлаш жараёнидаги ўрнига давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилди. Чунки, ҳеч бир жамият маънавий

имкониятларини, одамлар онгида маънавий ва ахлоқий кадриятларни ривожлантирмай ҳамда мустаҳкамламай туриб ўз истиқболларини тасаввур эта олмайди. Айниқса, Шарқда халқнинг минг йиллик миллий кадриятлари унинг учун қудратли маънавият манбаи бўлиб хизмат қилган. Халқимизнинг яқин ўтмишидаги узок вақт давом этган кучли мафкуравий тазйиққа қарамай, Ўзбекистон халқи авлоддан-авлодга ўтиб келган ўз тарихий ва маданий кадриятларини ҳамда ўзига хос анъаналарини сақлаб қолишга муваффақ бўлганлиги сабаби ҳам руҳида, қалбида доимий равишда умумбашарий кадриятларга содиқ бўлганлигидир. Биз, деб таъкидлаган эди биринчи Президентимиз Ислон Каримов, "...маънавий кадриятларни тиклашни миллий ўзликни англашнинг ўсишидан, халқнинг маънавий сарчашмаларига, унинг илдизларига қайтишдан иборат узвий, табиий жараён деб ҳисоблаймиз". Демак, Ўзбекистонда демократик жамият барпо этишда муҳим бўлган кадрлар тайёрлаш сиёсатининг миллий, умумбашарий тамойилларини ҳар бир халқнинг кадриятларисиз, алоҳида ажратиб бўлмайди.

Аммо бирон-бир нарса ва ҳодиса, хоҳ у моддий бўлсин, хоҳ маънавий бўлсин, кадриятга айланиши учун маълум бир вақт, давр ўтиши керак. Демократиянинг миллий ва умуминсоний кадрият сифатида шаклланиши ҳам шундай босқичларни босиб ўтган. Шунга ўтмишдаги барча нарсалар ҳам миллий кадрият ҳисобланавермайди. Унинг миллий кадриятга айланиши учун ўзини кўрсата олиши шарт. Демак, биз демократик жамият куришдаги ўтмишимиздаги барча нарсаларимизни тўлалигича ололмаймиз. Негаки у ҳамма учун ибратли эмас.

Шу ўринда Ислон Каримовнинг қуйидаги фикрлари ўта муҳим аҳамият касб этади "... ўтмиш кадриятларга, анъаналарга ва турмуш тарзига бетартиб равишда, орқа-кетини ўйламай қайтиш бошқа бир кескинликка – ҳозирги даврни қабул қилмасликка, жамиятни янгилаш заруриятини инкор этишга олиб келиши мумкин". Айни шу инкор этиш онларида экстремистик руҳдаги муҳолифатнинг вужудга келиш хавфи туғилди. У аслини олганда, маънавиятга қарши муҳолифат бўлиши мумкин эди. "Миллий кадриятлар – миллат учун муҳим ва жиддий аҳмиятга эга бўлган жиҳат ва хусусиятлар. Ўз миллий кадрияти бўлмаган миллат ёки элат йўқ. Миллатнинг таназули – миллий кадриятларнинг таназулидир. Миллий кадриятлар миллатнинг тарихи, яшаш тарзи, келажаги, уни ташкил этган авлодлар, ижтимоий қатламлар, миллий онг, тил, маънавият ҳамда маданият билан узвий боғлиқ ҳолда намоён бўлади". Негаки, миллий кадриятлар нафақат мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлайдиган маънавий асослардан бири, балки демократик, адолатли, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти куришнинг асосий манбаи ҳамдир. Марказий Осиё халқларининг асрлардан

асрларга мерос бўлиб келаётган миллий кадриятлари узоқ тарихий жараёнда шаклланган ва кўплаб оғир синовларни бошдан кечирган.

Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича қабул қилинган “Ҳаракатлар стратегияси”да мамлакатимизда замонавий ва ҳар томонлама етук кадрлар тайёрлашнинг устувор жиҳатлари аниқ қилиб белгилаб берилганлиги соҳадаги ислохотларни анчайин жадаллаштирди. Айниқса, олий таълим муассасаларини ҳар жиҳатдан ривожлантириш орқали маънавий дунёраши етук мутахассислар тайёрлаш тизими буткул янги босқичга кўтарилди. 2018-2019 ўқув йилида мамлакатимиз олий ўқув юртларига 96,950 нафар талаба қабул қилинган бўлса, 2019-2020 ўқув йилида бу кўрсаткич 123,000 нафардан ортиб кетди. Бу кўрсаткични 2022-2023 ўқув йилида 180,000 нафарга етказиш режалаштирилган.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев: “Бизга миқдор эмас, сифат керак. бунга эришиш учун эса хориж тажрибасини ўрганиш зарур. Қайси давлат кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратса, ўша ютади. Илмий асосланган тажриба асосида кадрлар тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш энг муҳим вазифамиздир”, деб таъкидлагани олдимизга бу соҳа ривожини муҳим вазифаларни қўйди.

Ўзбекистонда кадрлар тайёрлашда миллий кадриятлардан ташқари диний кадриятларимизга ҳам алоҳида ўрин берилаётганлиги тасодифий ҳол эмас. Чунки миллий ва диний кадрият ўртасида қатъий чегара йўқ. Улар доимий равишда ўзаро боғлиқ ҳолда намоён бўлади, бир-бири билан мулоқотда, биргаликда мавжуд бўлади. Миллий ва диний кадриятлар мутеликдан, фикр қарамлигидан қутулиш, миллий ўзликни англашга хизмат қилиши билан улар жамиятда демократик умумбашарий тамойилларининг қарор топишига замин яратади.

Ҳар бир кадриятнинг моҳияти ва аҳамияти табиат, жамият ва руҳий олам ҳодисаларини билиш, илмий умумлаштириш, ижтимоий ва маънавий тараққиётга таъсир этиш имкониятлари асосида белгиланади. Умуминсоний ва миллий кадриятлар тамойиллар уйғунлиги қиёсий таҳлили унинг инсон маънавий камолатининг муҳим омили эканлигидан келиб чиқади.

Ислом Каримовнинг “Мустақилликка эришганимиздан кейингина биз буюк аждодларимизнинг ҳурматини ўрнига қўя олдик. Бизнинг бу интилишларимизни Марказий Осиёдаги қўшнилариимиз, маданий халқаро ҳамжамият қўллаб-қувватлади. Бу ҳол тасодифий эмас – соҳибқирон Амир Темур шахси унинг авлодлари бўлмиш фақат бизнинг эмас, балки минтақамиздаги барча халқларнинг, бутун маърифий инсониятнинг бойлигидир” деган фикрлари ҳар бир миллат ривожланишидаги тарихий воқеалар, унга ижобий ҳисса қўшган шахслар ҳам миллий кадриятлар жумласига киришини англатади. Шу нуқтаи назардан Амир Темур

шахси бунинг ёрқин исботидир. Бинобарин, Амир Темур қанчалик тақводор, асл мусулмон бўлмасин, қонунчиликнинг турли тизимлари – диний ва дунёвий томонлари борлигини, уларни ҳисобга олиш кераклигини жуда тўғри англаган. Амир Темур қонунчилик деганда фақат, Шариат қонунчилигини эмас, балки бошқа халқлар кадриятлари, урф-одатларини ҳам тушунган.

Фуқаролик жамиятини барпо этишга йўналтирилган замонавий кадрлар тайёрлашда қуйидагилар жиҳатлар жуда муҳим. Булар, туғилган макон ва она юртга эҳтиром, аждодлар хотирасига садоқат, катталарга ҳурмат, ёшларга иззат, инсоний муомалада мулозамат, ҳаё, андиша, вазминлик, сабр-тоқат кабиларнинг устуворлиги билан ҳам характерланади. Булар ҳаммаси ўзбек миллий кадриятларининг ҳам энг муҳим хусусиятларидан.

Етук мутахассис кадрларни шакллантиришда маҳаллий кадриятлар умуминсоний кадриятлар даражасига олиб чиқилиши керак. Кадрлар тайёрлаш сиёсати қанчалик умуминсоний маъно ва кадрият касб этмасин, унинг негизини, унга руҳий куч-қувват берадиган, уни бойитиб турадиган, ранг-баранглигини таъминлайдиган нарса “миллий руҳият”дир. Кадрлар тайёрлаш сиёсати миллийликни, миллий руҳиятни ҳисобга олмаса, унга таянмаса, ўз моҳиятини йўқотиши мумкин. Айни пайтда кадрлар тайёрлаш сиёсати ўзининг минтақавий, умумий миллий-маънавий хусусиятларини ҳисобга олишни англатади. У ҳам ўз ичида ранг-баранг ва нисбий ҳодиса. Бу шарқ халқларининг тарихан қарор топган кадриятларидаги энг асосий миллий хусусиятларидир. Улар халқларнинг тафаккур тарзида, урф-одат ва анъаналарида сиёсий ҳаёт, инсон, жамият ва давлатга қарашда амал қиладиган ўзига хос сиёсий-маданий хулқ-атвор кўринишларида намоён бўлади.

Ўзбекистоннинг ўзига хос жиҳати фуқаролик жамиятини индивидуаллик билан жамоавийликни муштарак ҳолда қабул қилиб, у билан (оила, гуруҳ, жамоа, маҳалла, давлат) уйғун ҳолда кўришида намоён бўлади. Бизнинг жамиятда шахсининг эркинлиги, ҳуқуқлари жамоат манфаати билан боғлиқ ҳолда қаралиши билан бошқа давлатлардан фарқ қилади. Лекин давлатимиз қонунчилиги бизнинг миллий, диний ва этник хусусиятларимизни кескин инкор этмайдиган умуминсоний кадриятлар асосига қурилган. Шунинг учун ҳам қонунга таяниш ва қонун асосида муаммони ҳал этиш умумеътироф этилган умуминсоний кадриятдир. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13-моддаси қайд этилганидек, “Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий кадрият ҳисобланади”.

Миллий қадриятлар ҳам қандайдир ўзгармас ҳодисалар эмас. Миллат тараққиёти билан боғлиқ бўлган ижтимоий, иқтисодий, маънавий ҳаётнинг такомиллашиб бориш, яшаш ва меҳнат қилиш шароитлар ўзгариши билан миллий қадриятлар ҳам ривожланиб боришига имкон яратилади. Миллий қадриятларнинг сақланиб қолиши, бу фақат уларнинг ўзини ўзи асраб қолишининг асосий масаласи деб қараш керак эмас. Балки ҳар қандай миллатнинг сақланиб қолиши учун ҳар бир миллатнинг ўзи жавобгар, масъул бўлиши лозим.

Мамлакатимизда демократик жамият барпо этишда миллий ва умумбашарий қадриятларнинг уйғунлашуви тараққиётнинг зарурий қонунидир. Умумбашарий тамойиллар ва қадриятлар қандайдир ўзгармас, ақидавий тушунчалар эмас. Даврлар ўтиши, шароит, талаб ва эҳтиёжларнинг ўзгариши билан уларнинг мазмуни, баҳолаш мезонлари ҳам ўзгариб боради. Лекин бу ўзгаришлардан қатъий назар, умуминсоний қадриятлар одамларни жипслаштирувчи, маълум мақсадлар, ижтимоий, маънавий камолотининг муайян йўллари учун биргалашиб курашишга, ҳаракат қилишга чорловчи ижтимоий ҳодисалардир. Умуминсоний қадриятлар турли давлатлар, халқлар ўртасидаги кўприк воситасини ўтаб, одамларни бир-бирига яқинлаштирувчи, ҳамжиҳатлик ва ҳамкорликка чорловчи куч воситасини ўтайди. Маънавият борасида ҳам умуминсоний қадриятлар халқларнинг барча маданиятини яқинлаштиради ва уларнинг тезроқ камол топишга имкон яратиб беради.

Хулоса қилиб айтганда миллий қадриятлар жамият тарихий тараққиёти жараёнида шаклланган ва ривожланган, ўтмишда, ҳозирги кунда ва келажакда ҳам ижтимоий тараққиётга ижобий таъсир этадиган, кишилар онгига сингиб, ижтимоий аҳамият касб этган моддий, маънавий бойликлардир. Шу нуқтаи назардан, тарихий тажриба, анъаналарнинг мерос бўлиб ўтиши – буларнинг барчаси янгидан янги авлодларни тарбиялайдиган қадриятларга айланиб қолиши лозим.

Адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. -Т.: Ўзбекистон, 1997.
2. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-том. –Т.: Ўзбекистон, 1998.
3. Мустақиллик изоҳли илмий-оммабоп луғати (А. Жалолов ва Қ. Хоназаров умумий таърифида) -Т.: Шарқ, 1998,
4. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. -Т.: Ўзбекистон, 1997. 137-б.
5. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т. 6. –Т.: «Ўзбекистон», 1998, 126-б.